

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА УЧ “ОЛТИН УЧЛИК”

Исмоилов С., ГулДУ ф.ф.н.

Барча ўтмиш ва ҳозирги замон мамлакатлари давлат тузумида таълим тизимида ёшларни камолоти долзарб мавзулардан бўлиб келган. Жумладан, бизда ҳам айни чокда жамиятимизни баркамол кишиларини камол топтириш энг долзарб мавзулардан биридир. Жаҳон фан ва маданиятининг қадимий марказларидан бири бўлмиш Туронзаминда ҳам шундай таълим-тарбия назариялари яратилганки, улар ҳақиқатда комил инсонлар тарбияси масаласида буюк натижаларга эришганлар.

Ислом таълимотидаги имонли, тақводор инсон тушунчаси асосида шаклланган Форобийнинг «фозил одам», Яссавийнинг «фақир инсон», Нақшбанднинг «рубъу маскун киши», Кошифийнинг «футувват аҳли» каби комил инсонлар мақом ва фазилатлари бугунги кун баркамол инсонлари фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Биргина нақшбандийликдаги «эзгулик» мавзусини олиб кўрайлик. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддаги эзгулик тушунчаси ушбу соҳадаги қадимги Шарқ асотирлари асосида шаклланган. Айтиш мумкинки, «Авесто»даги «олтин учлик» - «яхши фикр, яхши сўз ва яхши иш» унинг заминларидан бири бўлган. Бу ерда яхши фикр – бу хаёлни, феъл-атворни, қалбни, имонни, руҳиятни эзгуликка асослангани, яъни инсон тафаккуридаги ўй-хаёл, фикр-зикрни яхшилик негизига қурилганлиги. Яхши сўз – инсондаги муомала воситаси бўлмиш тил, унинг ифодаси бўлмиш сўзнинг ҳам, сара чиройли ва яхши сўзлар асосига қурилмоғи лозимлиги. Инсонда фикр, сўз яхши бўлдим, энди у энг асосий бўлмиш ҳаётий фаолиятини, амалиётини ҳам яхши, тўғри, адолатли бўлмоқлигига эришмоғи лозим бўлади. Бу учлик изчиллик асосида, бир-бирига диалектик боғлиқлик асосида амалга ошади. Ушбу «олтин учлик»да – кишиларни ҳам ботини, зохири ва ҳам фаолияти эзгуликка асосланиши кераклиги таъкидланади. Бу учликка амал қилган инсон шак-шубҳасиз комил инсон бўлади. Ушбу зардуштий сеҳрли калом нақшбандийликда насрий ҳолда: «Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл», назмий ҳолда:

«Шамдек бўл шамни кўр, куйиб қалбу тан,

Ўзгалар базмини қилади равшан» – деб Жомий сўзи билан ифодаланган. Бу ерда шам бўлиб ёниш – ўз Ватани, халқи, миллати учун ёниш, қолаверса Ватан, ватандошлар учун нур, зиё, ёруғлик сочиш. Қоронғуда бўлишлик – ўзини фидо қилиш, шу билан биргалликда бу қилган фидоийликни таъна қилмасликдир.

Айни шу олтин учликларда сингдирилган эзгулик ғоясини, мантиқий тажаллиси сифатида юртбошимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» - деган сўзларида кўриш мумкин. Ҳаётимизни маънавий шиорига айланиб бораётган ушбу шиор-ўғитни замирида чуқур фалсафий маъно ётибди. Бу ерда «элим» - бу халқ, миллат ва мамлакат, «юртим» - бу ватан, давлат, жамият, «ёниб яшаш» - эса уларни ҳар иккиси учун «шам бўлишлик», ёки жонфидолик, фидоийлик деб қараш мумкин. Юртбошимизнинг миллатдошларимизга, ватандошларимизга қарата айтган ушбу чақириқ-пандномаси бежиз айтилмаганлигига ишониб, янги таълим тизимимизда, унинг бўғинларида истефода этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Миллий маънавиятимизнинг «олтин учлик»ларни:

-яхши фикр, яхши сўз, яхши иш:

-шам бўлиб ёниш: - ватан ва халқ учун ёниш,- нур сочиш,- фидо бўлиш:

-элим деб, юртим деб ёниб яшаш:-халқ ва миллат деб, - юрт, ватан деб, -жон фидо бўлиш мазмун-моҳиятидан, янги таълим тизимида кенг фойдаланиш лозим бўладики, бундан барча баркамол инсонлар маънан, руҳан ва жисмонан озикланишига имонимиз комил.

Зеро, юртбошимиз айтганларидек: «Ўта ўқимишли, руҳан бардам, жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва таракқиёт йўлини босиб ўта олади».

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: 1994.

2. Муҳаммад Боқир. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. -Т.: 1993.